

Нормурод Нарзуллаев ўзбек адабиёти тараккиётига ўзининг кўп киррали ижоди билан баракали хисса кўшиб келаётган шоирлардан биридир.

У 1934 йилнинг 7 июлида Кашкадарё вилояти Касби туманидаги Хўжахайрон кишлогиде дехкон оиласиде дунёга келди. У етти йиллик маълумотни ўз кишлогидеги мактабде олди. 1948 йилде Охунбобоев номли Карши педагогика билим юртига кириб ўкиди. 1956 йилде Самарканд Давлат педагогика институтининг Тил ва адабиёт факултетини имтиёзли диплом билан битирди.

Мехнат фаолиятини 1956 йилдан бошлади: «Ленин йўли» (Самарканд), «Кашкадарё хакикати» (Карши) рўзномаларида мусаххих, адабий ходим, бўлим мудире ва масъул котиб вазифаларида ишлади. 1968—1969 йилларде Алишер Навоий номли Самарканд Давлат дорилфунунининг ўзбек адабиёти кафедраси аспирантурасиде ўкиди.

Нормурод Нарзуллаев 1969 йилде Ўзбекистон КП Самарканд шахар комитети пропаганда ва агитатсия бўлимининг мудире бўлиб ишлади. 1970 йил январидан 1974 йил июлигаче Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маданият бўлимининг инструкторе, сектор мудире лавозимларида хизмат килди. 1974 йилде Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари ва Раёсат аъзосе этиб сайланди. 1976 йилдан 1981 йилгаче Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасиде котиб ва котибиятнинг аъзосе вазифаларида ишлади.

Шоир 1981 йил декабриде Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти бош редакторе этиб тасдикланди. 1991 йилдан эътиборан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоки «Камалак» нашриётматбаа бирлашмасининг бош мухаррире вазифасини бажармокде.

Шоир ижодий фаолиятини 1954 йилдан бошлайди, вақтли матбуот сахифаларида унинг илк шеърлари босилади. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётиде шоирнинг илк шеърый тўплами — «Суюнчи» (1965) босилиб чикади. Бугунга кадар шоирнинг ўттизга якин китоблари босилган. «Сизни Ватан эркалар» (1966), «Мехр чашмаси» (1970), «Зарафшон зарлари» (1970), «Уфкларде кўзларим» (1973), «Ёгду» (1974), «Нигохлар» (1976), «Лахза ва ларза» (1978), «Севги сеҳри» (1981), «Ок саманим» (1982), «Тонг элчиси», (1984), «Шамолни ушлаган бола» (1985), «Яхшилик деб яшайман» (1987), «Аник закят» (1989) каби тўпламларнинг муаллифидир. Шоирнинг рус тилиде «Високие солнсе» (1974), «Добрий свет» 1977), «Поёт дутар» (1977), «Мгновение» (1982), «Дихание трав» (1983), «Малчик поймавший ветер» (1990) китоблари чоп этилган. Бундан ташкари, шоирнинг «Мухаббатдан тугилгай» китоби озарбайжон, «Кўшчинор» тўплами тожик тилиде нашр этилган.

Нормурод Нарзуллаев асарлари чет эллик шеърыйат мухлисларига хам яхши таниш: унинг шеърлари инглиз, ветнам, чех, немис, поляк, турк, хияд, испан, фронтсуз каби тилларга таржима килинган.

Нормурод Нарзуллаев адабиётга оид бир катор илмий, адабийтанкидий маколалар муаллифидир. «Халк булбули», «Дўстлик мушоираси» хужжатли филмлари сценарийси, «Виждон исёни» драмаси ҳам унинг каламига мансуб.

Нормурод Нарзуллаев «Нарзий» тахаллуси билан кўшикнавис шоир сифатида машхур. Унинг шеърлари асосида яратилган кўплаб кўшиклар Бутуниттифок ва республика конкурсларида махсус соврин ва дипломлар билан тақдирланган. Айни пайтда шоирнинг 200 дан ортик кўшиклари муваффакият билан ижро этилмокда.

Нормурод Нарзуллаев бадиий таржима соҳасида ҳам самарали ижод этмокда. Айникса, Осиё ва Африка мамлакатлари шоирларининг ижодидан килган таржималари ўзбек китобхонларига манзур бўлди.

Ижодкор 1974 йилда «Меҳр чашмаси», «Зарафшон зарлари», «Уфкларда кўзларим» шеърий тўпламлари учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган.

1984 йилда Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди.

Нормурод Нарзуллаев ўз овози ва ижод дастхатига зга серкирра ижодкор бўлиб, унинг асарларида юксак гражданлик, самимият, бурчга садокат, Ватанга мухаббат, жонажон ўлка табиатига, ўз она элига мафтункорлик туйгулари етакчи ўринни эгаллайди. Чиндан ҳам у ўзи айтганидек:

Канот бўлиб келдим дунёга,
Кўшик бўлиб колайин, дейман!,— деганда хак.